

Томорқалардан фойдаланиш борасида ўқув семинари ташкил этилди



Туман Фермер деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ходимлари маҳаллаларда бўлишиб, томорқадан унумли фойдаланаётган хонадонлар тажрибасини оммалаштириш мақсадида ўқув семинарлари ташкил этишмоқда.

“Ат-Термизий” маҳалласида истиқомат қилиб келаётган Гавҳар Эшимова томорқасинининг ҳар бир қарич еридан унумли фойдаланади. Тупидек ерга ҳам рўзғор учун зарур бўлган маҳсулот экиб, оила даромади учун ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ўқув семинарида Гавҳар Эшимова томорқасининг 2 сотихида ташкил этган иссиқхонаси ҳамда очикликда етиштираётган маҳсулотларнинг иқлимга мослиги, сифати, эртапишар навлар ва бошқа бир қатор тажрибалари билан бўлишди.